ТАСВИР **№ 24**
**15 - 21 ИЮН 2000 й**

# ЎЗБЕК РАҚСИНИНГ ХОРИЖЛИК МУХЛИСАСИ

*Швейцариялик Катя Хиллебрандга Ўзбекистон иккинчи ватанидек бўлиб қолди. 26 ёшли бу қиз Цюрихда яшайди, боладикдан, китоблардан танишган ўзбек диёрига меҳри тушган. Жалолиддин Румий, Жомий, Ҳофиз Саъдий, Машраб ҳаёти ва ижоди билан танишиб, Ўзбекистонни ўз кўзи билан кўриш ниятида катта бўлди. Илк бор 1991 йилда Тошкентга келди. Уни ўзбекона маънавият, ракс*



*санъати ўзига мафтун этди. Катя Мукаррама Турғунбоева, Қизлархон Дўстмуҳамедова рақслари тасвирланган тасмаларни қайта-қайта кўришдан толмади.*

*Рақс санъатига ишқ-муҳаббат унинг юрагида бор. Катя ўзбекча, афғонча, эронча, уйғурча рақсларни маромига келтириб ижро этади. У француз, немис, ўзбек, инглиз тилларини мукаммал билади. Роман, уйғур, форс-тожик, афғон, озарбайжон тилларида ҳам унча-мунча сўзлашади. Катя Хиллебранднинг кенг қизиқишлар доираси бизни, албатта ўзига жалб этди.*

*«Мени Катяхон деяверинг», - деб жилмайди ёқимтой бу қиз танишув чоғида. Унинг ўзбекча талаффузи равонлигини кўриб, беихтиёр саволга тутиндик.*

**— Ўзбек тилидан қаерда таҳсил олгансиз?**

— Тошкентда, хореография билим юртида ўқиб юрганим кезлари мулоқот давомида ўрганиб олдим. Интилиш бўлса, дилда иштиёқ бўлса тил ўрганиш қийин эмас.

**— Шу ерда ўқиган экансиз...**

— Ҳа, боланикдаги қизиқишларим, ҳавасим менинг орзу-умидларимга айлачди. Ўзбекистонга келиб кетгач, бу юрт жамолига, кишиларига, адабиётига, санъатига янада меҳр қўйдим. 1994 йилда Тошкент хореография билим юртига ўқишга кириш учун яна Ўзбекистонга келдим. Қобилиятим, қизиқишим ва интилишимни кўриб иккинчи босқичдан ўқий бошлашимга рухсат беришди. Билим юртидаги ўқишим — орзуларим салтанатининг мустаҳкам пойдевори бўлди. Бу ерда Насиба Мадраҳимова, Қундуз Миркаримова, Розия Каримовалардан ракс санъати сирларини ўргандим. Айниқса, Сайёрахон Тўраева менга катта ёрдам бердилар. Бугунги кунгача Сайёра опа мени қўллаб-қувватламоқдалар.

1997 йилда ўқишни битириб, Швейцарияга қайтдим. Уч йил Тошкентни соғиниб яшадим.

**— Нималарни кўпроқ қўмсадингиз? Умуман бу ернинг ўзига хослиги нимада, деб ўйлайсиз?**

— Меҳмондўст одамларни соғиндим. Ўзбекистоннинг тотли мевалари, ёғли қатиғини, Бухоронинг қаймоғини, тандирдан янгигина узилган иссиқ нонларини, қолаверса, гўзал байрамларини, санъатини соғиндим. Ўзбекистонга келгач, Наманганга бордим. Универсиада мусобақаларини, тантаналарини томоша қилдим. Андижонда бўлиб, «Сумалак» фольклор ансамбли билан танишдим, фикр алмашдим. Дилимда пайдо бўлган бўшлиқ анча тўлди, чамамда.

Ўзбекистонда кўпроқ қолишни, катта санъаткорлардан амалий таҳсил олишни орзу қиламан.

**— Швейцарияда қандай иш билан машғулсиз?**

— Шартномалар бўйича турли санъат байрамларини саҳналаштиришда кўмаклашаман. Яқинда «Актёрлик академияси»да саҳналаштирилаётган «Хитой афсонаси» спектаклига рақслар тайёрлаш ҳақидаги шартномага имзо чекдим. Ўз вақтида ракс тўгараги очган эдим. Ҳозирча маблағ етишмагани туфайли бу иш тўхтаб қолди.

**— Катяхон, ўзбек рақсларидан қайсиларини севиб ижро этасиз?**

— Менга мумтоз куйлар, фольклор қўшиқларга саҳнлаштирилган рақслар ёқади. «Тановар», «Муножот»ни яхши кўраман. Рақсларимда ўзига хослик бўлишини истайман. Худди Қизлархон Дўстмуҳамедовада бўлгани каби...

**— Оилангиздагилар Сизнинг қизиқишингизга қандай қарашади?**

— Ота-онам мени доим қўллаб-қувватлашади. Бир опам ва акам бор. Уларнинг қизиқиш доиралари умуман ўзгача. Лекин менинг қизиқишимни ҳурмат қилишади.

**— Ўзбекистон Сизни қайта-қайта нимаси билан жалб қилади?**

— Биласизми, бу ернинг табиати гўзал. Умуман мен Ўрта Осиёдан нега шунча олимлар, адабиётшунослар чиққанига ҳайрон бўлмайман. Санъатга, адабиётга, илм-фанга иштиёқи бўлган одамга бу ернинг табиати ўзи илҳом беради...

Катя билан суҳбатлашганда, у гоҳ мумтоз қўшиқлар, гоҳ тасаввуф илми ҳақида гапириб кетади. Унинг орзу-умидлари чексиз. Биз бу самимий, сипо, табассумида ўзбекона ибо акс этган қизга келгуси ишларида ривож, омад тиладик. Катяга фақат ҳавас қилса арзийди. Чунки, ундаги орзулар сари интилиш ҳисси ҳали кўплаб марраларда ўз мевасини бериши тайин.

**Шаҳноза БОЗОРОВА**

"Тасвир" газетаси ўқувчиларига.
Самимий истак-тилакларимни
изҳор этаман!

Ўзбек санъатининг мухлисиман
Санъатга муҳаббат сизни ҳам
тарк этмасин